

Access to Information

Saving Lives, Building Trust, Bringing Hope

28 September International Day for Universal Access to Information 2020

#AccessToInfoDay
#RightToKnow

2020 йилги Ахборотдан Эркин Фойдаланиш Халқаро Куни

2020-йил 28-сентябр - Ахборотдан Эркин Фойдаланиш Халқаро Куни (АЭФХК) бешинчи марта нишонланади. 2015 йилнинг 17 ноябрида ЮНЕСКО Бош конференцияси ҳар йили 28 сентябрни Ахборотдан эркин фойдаланиш халқаро куни деб эълон қилувчи резолюцияни (38 С/70) қабул қилди.

Барқарор ривожланиш учун 2030 кун тартиби тинч ва инклюзив жамиятларни тарғиб қилишга чақирадиган барқарор ривожланиш мақсади 16 (тинчлик, адолат ва самарали институтлар) доирасида жамоатчиликнинг ахборотдан эркин фойдаланишнинг муҳимлигини тан олади (16.10 мақсад).

ЮНЕСКО жамоатчиликнинг ахборотдан эркин фойдаланиши учун конституциявий, қонуний ва/ёки сиёсий кафолатларни қабул қилган ва амалга оширётган мамлакатлар сони тўғрисидаги 16.10.2 индикатори орқали ушбу соҳадаги прогрессни мониторинг қилиш ваколати берилган БМТ агентлиги ҳисобланади .

Бу йил АЭФХКнинг асосий эътибори инқироз даврида ахборот олиш ҳуқуқига ва совид-19 инқирози пайтида ва ундан кейинги даврда ҳаётларни сақлаб қолиш, ишончни мустаҳкамлаш ва барқарор сиёсатни ишлаб чиқишда кўмак кўрсатиш мақсадида ахборот олиш учун конституциявий, қонунчилик ва/ёки сиёсий кафолатлар мавжудлиги афзалликларига қаратилган.

2020 йилги АЭФХКни нишонлаш доирасида бир нечта асосий тадбирлар онлайн тартибда ўтказилади.

28 сентябр куни Парижда (Тошкент вақти билан соат 17:00да) " Ахборотдан эркин фойдаланиш - ҳаётларни сақлаб қолиш, ишончни мустаҳкамлаш ва умид бағишлаш демакдир !" юқори даражадаги онлайн муҳокамаси режалаштирилган. Муҳокама ЮНЕСКО Бош директори Одре Азоулайнинг нутқи билан очилади. Муҳокамага Либерия ва Ўзбекистон ҳукуматлари вакиллари шунингдек муҳокамаларда БМТ тизимидаги ЮНЕСКО ҳамкорларининг тақдимотлари, сўнгра эса "Очик музокаралар" сессияси бўлиб ўтади.

Тадбирда қатнашиш учун қўйидаги саҳифага ўтинг:

https://unesco-org.zoom.us/webinar/register/WN_VyaUhaInQk-8IAAsIZBguA

Бундан ташқари, 28 сентябр куни Тошкент шаҳрида (Тошкент вақти билан 14:00 да) Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги лойиҳа координатори

Миллий оммавий ахборот воситаларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди (Ўзбекистон) билан биргаликда ЕХХТ ҳудуди бўйлаб, айниқса, КОВИД-19 пандемияси давомида ахборотдан эркин фойдаланишни таъминлашни муҳокама қилиш учун онлайн конференция ўтказди. Иштирокчилар ахборотдан эркин фойдаланиш учун мавжуд тўсиқлар ва уни кенгайтириш имкониятларини муҳокама қиладилар, очиқ маълумотлар масалаларини кўтардилар, Ахборотдан эркин фойдаланиш билан боғлиқ турли конун ва қоидаларни таҳлил қиладилар ва ЕХХТнинг оммавий ахборот воситалари еркинлиги соҳасидаги тажрибасин ўрганиб чиқадилар.

Тадбирга кўйидаги саҳифа орқали уланишингиз мумкун:
<https://us02web.zoom.us/j/85278279019?pwd=elk3SnlCWU0ycG8vVFNiYVZoQUJiQT09>

АЭФХК доирасидаги бошқа тадбирлар ҳақида батафсил маълумотни кўйидаги саҳифадан топишингиз мумкин:

<https://en.unesco.org/commemorations/accesstoinformationday>

Ахборотдан эркин фойдаланиш бу бутун жамият, хусусан фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситаларига хизмат қилувчи инсон ҳуқуқидир. Фуқаролар давлат органлари тасарруфидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятига ега бўлганда, жамиятлар жамоат тадбирларида тўлиқ иштирок этиш ва барқарор ривожланишга ҳисса қўиши имкониятига ега.

СОВИД-19 пандемияси даврида ахборотдан эркин фойдаланиш ҳаётни сақлаб қолиш, ишончни мустаҳкамлаш ва умидни бағишлаш мумкин.

Ахборотдан эркин фойдаланиш ҳуқуқини, ҳамда сўз еркинлиги ҳуқуқи ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи каби бошқа инсон ҳуқуқлари тан олувчи СОВИД-19га учун яхлит жавоб, 2020 йилда пандемия қарши кураш учун муҳим аҳамиятга ега.